

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАҲАММАТОВ ОТАБЕК САЙДААЛИЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Махамматов Отабек Сайдаалиевич

Глобаллашув жараёнларида Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари 3

Махамматов Отабек Сайдаалиевич

Социально-философские особенности обеспечения духовно-идеологической безопасности молодежи Узбекистана в процессах глобализации 23

Maxammatov Otabek Saydaaliyevich

Socio-philosophical features of ensuring the spiritual- ideological security of the youth of Uzbekistan in the processes of globalization..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАҲАММАТОВ ОТАБЕК САЙДААЛИЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fal629 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Самадов Ақтамкул Рафиқович фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент
Расмий оппонентлар:	Ҳажиева Мақсуда Султановна фалсафа фанлари доктори, профессор Исроилов Бектош Эркинович фалсафа фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.Я.Яхшиликков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, турли таҳдидлардан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоийлашуви, юксак қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш каби муаммолар анча фаол муҳокама қилинмоқда. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик ташкилотларининг рационал ва функционал бирлашиши талаб қилинмоқда. Янги ижтимоий-маданий шароитлар бир томондан, ёшларнинг ўзлигини маданий намоён қилиш хусусиятини англатса, иккинчи томондан, бу маданий макон ижтимоийлашув институтларининг маънавий таназулини тезлаштириб юбормоқда. Бу жараён ёш авлод онгини умуминсоний қадриятлар, бунёдкор ғоялар ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ноинсоний сифатлардан ҳимоялаш каби долзарб масалаларни кун тартибига қўймоқда.

Дунёда глобал ижтимоий-маданий жараёнларда ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш масаласи махсус тадқиқот объектига айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Кўплаб илмий тадқиқотлар учун асос қилиб олинган ёшлар хавфсизлиги масаласи замонавий геосиёсий рақобат шароитида ўз йўналишини ўзгартириб турмоқда. Ушбу беқарорлик маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг илмий-концептуал асосини, маънавий-мафкуравий доктринасини шакллантиришни зарурат қилиб қўймоқда. Глобаллашув жараёнлари ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, омиллари, воситаларини аниқлаш ва уни илмий ўрганишда янгича ёндашувларни татбиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ёшлар онги ва қалбини таҳдидлардан ҳимоялаш, ягона маънавий-мафкуравий хавфсизлик тизимини яратиш каби муаммоларни тадқиқ қилиш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига қаратилган тадқиқотларнинг кўплиги бу соҳанинг янада долзарблигини билдиради. Бу ижтимоий фанлар олдига ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлиги масаласи сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва виртуал макон билан боғлиқлигини аниқлаш каби вазифаларни белгилаб беради. Хусусан, маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш тизими ривожланиши ёшларнинг нафақат ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий, балки иқтисодий эҳтиёжларини қондирилишига ҳам хизмат қилади. «Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда»¹. Ушбу муҳим вазифа ёшларнинг ғоявий иммунитетини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини оширишни қамраб олиб, глобал жараёнларнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: O'zbekiston, 2021. 254-б.

фаол субъектига айланиб бориши баробарида маънавий-мафкуравий ҳимоялаш каби долзарб масалани кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ПФ-5106-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот ишига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарларида ва Президент Шавкат Мирзиёев асарларидаги замонавий жамиятда ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ғоялари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Жамиятда ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда буюк мутафаккир аждодларимизнинг асарлари, тарихий манбалар муҳим ўрин тутди. Бу борада қадимий манба ҳисобланган «Авесто», Имом Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Мутафаккир боболаримиз асарларида инсон ва унинг маънавий олами жамият ҳаётининг устувор амаллари сифатида қаралади. Жумладан, Имом Бухорий «Боланинг табиати исломий бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ»¹, дейди. Абу Наср Форобий «Инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади», дейди. Ана шу жараёнда инсондаги фазилатларни камол топтириш ҳақида таъкидлаб, куйидаги фикрларни илгари суради, «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади»². Мазкур муаммоларга дахлдор қарашларни

¹Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Мовароуннахр, 2005; Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: 1991

² Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. – Б. 38.

таҳлил қилган Юсуф Хос Ҳожиб «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш»¹, деб инсон маънавий фазилатлари моҳиятини очиб беради.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий тарбиясини мустаҳкамлашда уларни илм-маърифатга даъват этган, ғоявий дунёқарашни бойитишга хизмат қиладиган асарлар яратиб, янги давр кишисининг маънавий-мафкуравий қиёфаси ҳақида ижтимоий-фалсафий қарашларни илгари сурган Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон² каби жадид маърифатпарварлик ҳаракати намояндларининг қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эғалигини таъкидлаш зарур. Мазкур таълимотлар маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос концептуал негизларини ташкил қилади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида жамиятимизда ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш, ёшлар дунёқарашига ғоявий-мафкуравий таъсирларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш билан бир қаторда миллий ғоя ва мафкуранинг турли қирраларининг назарий асосларини яратиш каби масалалар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур йўналиш бўйича тадқиқотлар моҳиятидан келиб чиқиб, тўртта илмий категорияга ажратишни лозим топдик.

Биринчи тасниф: мустақилликнинг дастлабки йилларида жамият маънавий-маърифий ҳаётининг тарихий илдизларига, миллий ўзликни англаш, мафкуравий қарашларнинг вужудга келишига қаратилган асарлар С.Отамуродов, Қ.Назаров, Н.Жўраев, И.Эргашов, Ў.Абилов, С.Мамашокиров, М.Имомназаров, А.Эркаев, М.Қуроноф, А.Бегматов, А.Очилдиев, Б.Тўйчиев, М.Қирғизбоев каби олимларнинг илмий ишлари шулар жумласидан³.

Иккинчи тасниф: жамиятда таълим-тарбия тизими, маҳалла ва оила институтларининг жамият маънавий ҳаёти, ғоявий-мафкуравий тарбияни амалга оширишдаги ўрни, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий-эстетик асосларига доир илмий тадқиқотлар Т.Алимардонов, А.Мухтаров, У.Идиоров, А.Қодиоров, М.Жакбаров, В.Қучқоров, А.Ўтамуродов, Ш.Тўраев, М.Абдуллаева, М.Маҳмудов, Ф.Равшанов, О.Сафаров, Р.Умурзакова, М.Халматова, Ш.Ғойибназаров, Ж.Яхшиликков, Н.Мухаммадиев, М.Қаҳҳарова, Т.Эгамбердиевлар ижодларида кенг ўрин эгаллаган⁴.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Т.: Фан, 1990. – Б. 103.

² Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Т.1. – Т.: Маънавият, 1996.; Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 1998; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1996; Чўлпон. Асарлар: 3 томлик (О.Шарафиддинов таҳрири остида). Т.1. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.

³ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон, 2013; Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омилар. – Т.: Маънавият, 1999; Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият, 2008; Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Т.: Янги аср авлоди, 2001; Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998.

⁴ Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. – Т.: Фан, 2005; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Т.: Академия, 2007; Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Т.: O'zbekiston, 2012; Яхшиликков Ж., Мухаммадиев Н. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Т.: Фан.2017; Қаҳҳарова М.

Учинчи тасниф: мамлакатимизда маънавий-мафкуравий жараёнлар, ғоявий таҳдидлар, халқаро тўқнашувлар ва зиддиятлар, ёшлар тарбиясида миллий маънавий қадриятларнинг ўрни ва мафкуравий муаммоларнинг концептуал таҳлилига бағишланган бир қатор ижтимоий-фалсафий ва сиёсий тадқиқотлар яратилди. Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, О.Абдуллажанов, С.Камилова, О.Раҳматов, Ж.Нажмиддинов, М.Бекмуродов, А.Мўминов, Р.Самаров, О.Мусаев, У.Саидов, И.Саифназаров, Н.Сафарова, Ш.Қахҳорова каби олимларнинг илмий тадқиқотлари мазкур ёндашувларнинг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилган¹. Бундан ташқари, қатор тадқиқотчилар мақола ва тезисларида маънавий-мафкуравий таҳдидлар ҳамда хавф-хатарларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари тадқиқ этилганлигини таъкидлаш жоиз².

Тўртинчи тасниф: мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, стратегик ривожлантириш омилларини кенгайтириш, жамиятда модернизация, инновация ғояларини тадбиқ этиш орқали халқаро интеграцион жараёнларга киришиш мақсадига қаратилган маънавий-мафкуравий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини миллий тараққиёт модели негизида такомиллаштириш, фуқароларда миллий ўзликни англаш, қадриятларга содиқлик каби фазилатларни жамият маънавий ҳаётига сингдириш, айти пайтда, мамлакатимиз маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган долзарб ижтимоий-фалсафий муносабатларни мужассамлаштирган илмий тадқиқотлар вужудга келмоқда. Жумладан, Ҳ.Аҳмедов, Ф.Жўрақулов, М.Мухаммадсиддиқов, Н.Қалқонов, М.Мусаев, Ш.Мавлонов, Ў.Шакаров, Э.Юсупова, Ж.Жўраев каби ёш олимларнинг илмий изланишлари мазкур ёндашувларнинг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилган³.

Шунингдек, хорижлик олимлардан Збигнев Бжезинский, Энтони Гидденс, Масамиси Сасаки, С.Хантенгтон⁴, О.Шпенглер, Э. Фромм, Ф.Хайек, М.Хоркхаймер, А.Тойнби, Дж.Белл, Ю.Хабермас, П.Фейерабанд, Ф.Фукуяма, П.Ж.Бьюкенен асарларида глобаллашув жараёнларининг маънавий-мафкуравий асослари, ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашдаги қарама-қарши тенденциялар, жамият ва

Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Фалсафа фан. доктори .. дисс. автореф. –Т.: ЎзМУ, 2012.

¹ Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007; Пахрутдинов. Ш. Таҳдид-халокатли куч. - Т.: Академия, 2001; Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Академия, 2010; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. –Т.: Академия, 2008; Қахҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.: Тафаккур, 2009.

² Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008; Ўзбекистон: динлараро ҳамжихатлик – тинчлик гарови. – Т.: ЖИДУ, 2005.

³ Аҳмедов Х. Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси (ижтимоий-сиёсий таҳлил). Сиёсий фанлар доктори (DSc) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018; Жўрақулов Ф. Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш. Сиёсий фанлар доктори (DSc) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018; Мусаев М. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият хавфсизлигига таҳдиди. Сиёсий фанлар доктори (PhD) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018; Мавлонов Ш. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси. Сиёсий фанлар доктори (PhD) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018.

⁴ Бжезинский З. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы) Перевод О.Ю. Уральской. – М.: Международные отношения, 1998. – С. 254.

инсоннинг маънавий-маданий қиёфаси каби концептуал муаммолар атрофлича муҳокама қилинган.

Булардан ташқари, МДХ олимларидан А.С.Майданов, В.Иноземцев, В.Т.Ганжин, А.Г.Спиркин, А.Н.Чумаков Р.Ф.Авдеева, Т.А.Алексеев, Ю.А.Нисневич, В.Слипченко, В.В.Согрин, И.А.Крилова, В.Крисько, Ю.Кузнецов, Е.П.Кожушко, В.Никольский каби олимлар томонидан ҳам глобаллашув жараёнида ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда ахборот омилининг ўрни чуқур ўрганилган¹. Мутахассисларнинг илмий ишларида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашга доир масалаларнинг маънавий-мафкуравий илдизлари ўрганилганини таъкидлаш зарур².

Мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили шуни кўрсатдики, глобал ижтимоий-маданий жараёнларда Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлиги масалалари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, танланган мавзу мустақил тадқиқот объекти сифатида фалсафий-концептуал жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг фалсафий асослари” (2021-2025) мавзусидаги SY-01 рақамли илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув жараёнларида Ўзбекистон ёшлари маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Глобал ижтимоий-маданий жараён», «маънавий-мафкуравий хавфсизлик», «маънавий-мафкуравий таҳдид», «маънавий-мафкуравий иммунитет» тушунчаларининг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб бериш, бу борадаги ижтимоий-фалсафий муаммолар кўламини аниқлаш;

ҳозирги даврда ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашга доир илмий-фалсафий ёндашувларнинг миллий менталитет ва миллий идентификация билан боғлиқ рационал ва прагматик мезонларини ишлаб чиқиш;

глобал ижтимоий-маданий жараёнларда ёшлар ўртасида маънавий «вандализм» шаклланиши, таҳдидлари ва унинг олдини олишнинг маънавий-мафкуравий усул ва воситаларини замон талаблари ва истиқболли фалсафий концепциялар асосида очиб бериш;

виртуал маконда ёшларнинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-мафкуравий таҳдидлар, хавфсизлик шартларини илмий-концептуал жиҳатдан ёритиб бериш;

¹ Майданов А.С. Миф как источник знания. // Вопросы философии. – М.: 2004. №9. - С. 91-105.; Иноземцев В. Вестернизация как глобализация и «глобализация» как американизация. // Вопросы философии. 2004. №4. – С. 58-69.

² Крылова И.А. Проблема безопасности России в контексте глобализации. – М: Институт философии РАН, 2001. – С. 226.; Крысько В. Секреты психологической войны. – М.: Наука, 1999. – С. 168.

ёшлар онгида ҳуқуқий нигилизмнинг шаклланиши Янги Ўзбекистон муҳтида ижтимоий хавф эканлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

Тадқиқотнинг объектини глобаллашув жараёнида Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш омилларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, социологик сўровнома каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар онгида шаклланган ҳуқуқий нигилизм глобал миграция, ҳуқуқий кадриятлар янгланиши каби детерминатлар билан корреляцион боғланганлиги сабабли ижтимоий-маданий хавф-хатар, маънавий-мафкуравий хавфсизликни келтириб чиқариши исботланган;

Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар маънавий хавфсизлигининг муҳим ижтимоий омиллари (ҳуқуқий нигилизм, этноэгоизм, мафкуравий тарбия, демографик портлаш) ва янги ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи индивидуал (ижтимоийлашув, ўзини ўзи англаш, кадриятлар ва шахсиятдаги қарама-қаршилиқлар) хусусиятлари янги кадриятлар трансформацияси даврида диалектик алоқадорлиги далилланган;

Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари, воситалари, усуллари, ҳуқуқий, илмий-ахборотлашган ва мафкуравий кураш механизмларини ишлаб чиқилиши эҳтимолий таҳдид (деструктивлик, девиант хулқ, виртуал салбий тенденция)ларнинг олдини олишда зарурий омил эканлиги асосланган;

бугунги дунё мафкуравий манзарасининг ўзгариши ва янги ахборот қобилигининг юзага келиши сабабли ёшлар онгида маънавий вандализм хусусиятлари (маъносизлик, ваҳшийлик, вайронкорлик, космополитизм)нинг қасддан шакллантирилишига ҳамда уларнинг онгида эзгулик, ҳақиқат ва гўзаллик кадриятлари бир бутунлигининг бузилишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжининг ўсиши, бир томондан, ундаги маънавий-мафкуравий талаблар билан, бошқа томондан эса, ижтимоий-маданий, социологик ва фалсафага оид билимларнинг ривожланишига доир илмий-назарий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашга интенсив эришишнинг рационал даражаси, ижтимоий фалсафа фани ютуқлари ва улардан қай даражада фойдаланиш йўллари; маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг кишилар ўзаро муносабатларига таъсирини баҳолашнинг замонавий усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг белгилари ва элементлари, маънавий-мафкуравий тарбия маданияти, глобал дунёдаги маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш жараёнини ўрганиш ҳамда глобал ижтимоий-маданий жараёнларни ёшлар тарбиясидаги ролини кучайтириш, уни янги босқичга кўтариш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертациядаги илгари сурилган ғоя, фикр ва ёндошувлар фалсафа, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, очик ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик, маънавиятшунослик каби фан соҳаларини илмий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда, ОАВ фаолиятини такомиллаштиришда, Ёшлар агентлиги ҳамда унинг тасарруфидаги муассасаларида ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш учун дарслик, ўқув-методик мажмуаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув жараёнларида Ўзбекистон ёшларининг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини ижтимоий-фалсафий хусусиятини ўрганишга доир ишлаб чиқилган фалсафий-концептуал таклифлар асосида:

ёшлар онгида шаклланган ҳукуқий нигилизм глобал миграция, ҳукуқий қадриятлар янгиланиши каби детерминатлар билан корреляцион боғланганлиги ижтимоий-маданий хавф-хатар, маънавий-мафкуравий хавфсизликни келтириб чиқаришига оид ғоялардан Республика маънавият ва маърифат марказининг “Интернет тармоқларидан фойдаланиш маданиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари”, “Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги”, “Маънавий хавфсизлик масаласи миллатнинг мавжудлигини белгиловчи муҳим вазифадир” мавзусида ташкил этилган тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 18 мартдаги 02/02/433-сон маълумотномаси). Бу эса, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан амалга оширилган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини мустаҳкамлашга, айниқса, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия, спортга кенг жалб қилиш, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш амалиётида илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган;

Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар маънавий хавфсизлигининг муҳим ижтимоий омиллари (хукукий нигилизм, этноэгоизм, мафкуравий тарбия, демографик портлаш) ва янги ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи индивидуал (ижтимоийлашув, ўзини ўзи англаш, қадриятлар ва шахсиятдаги қарама-қаршилиқлар) хусусиятлари янги қадриятлар трансформацияси даврида диалектик алоқадорлигига оид таклиф-тавсиялардан “Кўп кутбли дунё ва геосиёсат асослари” ўқув қўлланмасининг “Марказий Осиё регионидаги геосиёсий жараёнлар янги катта ўйин концепцияси ва унинг геосиёсий моҳияти” деб номланган VII боби “Марказий Осиё регионидаги геосиёсий жараёнлар” ва “Янги катта ўйин” концепцияси ва унинг геосиёсий моҳияти” номли мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2022 йил 27 январдаги 10-334-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув қўлланманинг мавзулари ҳамда назарий-методологик изчиллиги ошиб, глобаллашув жараёнларида Ўзбекистон ёшларининг маънавий хавфсизлигини таъминлаш билан бирга хукукий маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари, воситалари, усуллари, хукукий, илмий-ахборотлашган ва мафкуравий кураш механизмларининг ишлаб чиқиши эҳтимолий таҳдид (деструктивлик, девиант хулқ, виртуал салбий тенденция)ларнинг олдини олишга оид илмий асосланган таклиф-тавсиялардан “Геосиёсат асослари” ўқув қўлланмасининг “Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик” деб номланган V боб “Миллий манфаатнинг таркибий қисмлари, шакллари ва уларни амалга ошириш усуллари” ва “Миллий хавфсизлик тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари” номли мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2022 йил 27 январдаги 10-335-сон маълумотномаси.) Натижада, ўқув қўлланманинг мавзулари назарий-методологик изчиллиги ошиб, ёш авлоднинг хукукий дунёқарашини ривожлантириш ва маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда юзага келаётган салбий иллатларнинг олдини олиш, мафкуравий иммунитетини шакллантириш ва уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

бугунги дунё мафкуравий манзарасининг ўзгариши ва янги ахборот қобиғининг юзага келиши сабабли ёшлар онгида маънавий вандализм хусусиятлари (маъносизлик, ваҳшийлик, вайронкорлик, космополитизм)нинг қасддан шакллантирилишига ҳамда уларнинг онгида эзгулик, ҳақиқат ва гўзаллик қадриятлари бир бутунлигининг бузилишига олиб келишига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 август куни эфирга узатилган “Ассалом, Самарқанд” кўрсатуви ҳамда 2021 йил 15 октябрда эфирга узатилган “Маънавият кўзгуси” кўрсатувининг навбатдаги сони сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-11/603-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу кўрсатувларнинг бадиий самарадорлиги

ошиб, телетомошабинга ёшлар онгида маънавий вандализмнинг шаклланиши Янги Ўзбекистон муҳотида ижтимоий хавф эканлиги, жамият маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш кераклиги ҳақида кенгроқ маълумотлар берилган ва шу билан бирга илмий тадқиқотда илгари сурилган илмий фикр-мулоҳазалар ёшларни маънавий-маданий инқироз ва маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилувчи яратилган тизимни янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (3 та хорижий ва 4 та республика журналларида) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 8 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Глобаллашув жараёнида ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари» деб номланган биринчи бобида глобал ижтимоий-маданий жараёнлар, маънавий-мафкуравий хавфсизлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва маънавий-мафкуравий хавфсизлик ҳақидаги ижтимоий-фалсафий қарашлар эволюцияси таҳлил қилинган.

Замонавий жамият барча ижтимоий-маданий жараёнларни истисносиз ривожлантириши билан характерланади. XX аср ўрталарида жамият ривожланиши учун стратегик манбалар сифатида ахборот ва билимларга йўналтириш, кейинчалик виртуаллаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви жамиятнинг айрим соҳаларида ҳам (сиёсий, иқтисодий, саноат, ижтимоий-шахсий) туб ўзгаришларга олиб келди.

Маданиятлараро сиёсат масалаларини долзарблаштириш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида янги устувор йўналишларни яратиш, маданиятли саноатнинг глобаллашуви «постиндустриал жамият», «ахборотлашган жамият», «интеллектуал жамият» сингари янги тушунчаларни шакллантирди ва замонавий цивилизация постиндустриал босқичига ўтиши тезлашди. Шу

боисдан ҳам, глобал бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида, биринчидан, ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимоли чуқурлашиб, эҳтиёжлар қондирилмоқда, демократик тамойиллар таъсири тобора кучаймоқда; иккинчидан, ахборот майдони кенгайиб, алоқанинг янги шакллари бирлаштирилди, кўплаб минтақаларда ижтимоий кўрсаткичлар яхшиланмоқда ва ҳаёт стратегиясини танлаш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, глобал иқтисодиёт тобора барқарор, ўзаро боғлиқ ва заиф бўлиб бормоқда; учинчидан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги тафовут кучайиб, миграция оқимлари кўпаймоқда, трансмиллий корпорациялар турли давлатларга иқтисодий ва сиёсий таъсирини оширмоқда.

Сўнги ўн йилликда пайдо бўлган хавфсизлик тўғрисида анъанавий тушунчанинг чекланганлиги кўплаб тадқиқотчиларни мавжуд фикрларни танқидий равишда қайта кўриб чиқишга ундади. Гап шундаки, биринчидан, хавфсизликни хавфсизлик билан идентификациялаш услубий ёндашув натижасидир. Бунда ижтимоий-сиёсий жараёнлар назарий жиҳатдан эмас, балки сиёсий жиҳатдан кўриб чиқилган; иккинчидан, хавфсизликни бошқа баъзи таҳдид шакллари билан тенглаштириш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Яъни ҳукмрон «ҳимоя» тарафқашлигидан, у объектив равишда тоталитаризмга айланиш хавфини туғдиради. Диссертацияда юқоридаги фикрлар ривожлантирилиб, хавфсизлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтилган, яъни хавфсизлик, бу – инсоният моддий ҳаётида табиий-ташқи омиллар таҳдидидан ҳимояланиш, ижтимоий-маънавий соҳада инсон, миллат, шахс ва жамиятнинг ҳаёт соҳаларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш салоҳияти, сиёсий-ҳарбий соҳада суверенитет, давлатнинг мавжуд легитим ҳолатига бўладиган қуруқлик, сув ва ҳаводан келадиган таҳдидларга муносиб жавоб берадиган тизимдир.

Маънавий-мафкуравий хавфсизлик тизими номоддий, маънавий кадриятлар, жумладан, инсон руҳияти (ички туйғу ва кайфият) билан боғлиқ ҳолда тобора ўзгариб бормоқда. Ёшлар бу беқарорликни ўз вақтида англаб етмаса, маънавий ва мафкуравий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эҳтиёжлар (ахлоқ, ақл ва гўзалликка интилиш, ғоявий тарбия, мафкуравий иммунитет ва бошқалар) устуворлигини тан олмаса, глобал таҳдид олдида ожиз қоладилар. Бугунги геосиёсий курашлар жараёнида рақобатдош давлатларнинг фаоллиги янада кучайди, бу эса жамиятнинг маънавий ва мафкуравий хавфсизлик тизимига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Геосиёсатнинг асосий омиллари бўлган маънавият, мафкура, дин гегемонликка даъво қилувчиларнинг воситасига айланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев бу борада шундай дейди: «... турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз // – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 488.

Маънавий-мафкуравий хавфсизлик фақат диний ёки маданий хавфсизлик билан боғлиқ ҳодиса эмас. Маънавий-мафкуравий хавфсизлик давлат хавфсизлигининг бир тармоғи сифатида яққол намоён бўлади. Бу борадаги изланишлар ушбу жуфт тушунчаларни таърифлашга имкон беради. Маънавий-мафкуравий хавфсизлик – бу жамият маънавияти, шахс, жамият, миллат ва давлат манфаатлари, анъанавий қадриятлар, (ахлоқ, ақл, гўзаллик)ни, айниқса, ёшларни ғоявий ҳимоялаш, гуруҳ ва жамоатчилик онгини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимидир. Маънавий-мафкуравий хавфсизлик объектларига миллий онг, жамият ҳаётининг умумий анъаналари, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган халқнинг маънавий-руҳий бирлиги киради. Маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш фақат давлат идоралари ва органларининг ваколати эмас. Унинг субъектларига ватанпарвар фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳам киради.

Диссертациянинг шу бобида маънавий-мафкуравий хавфсизликни асосий мезонлари сифатида: 1) жамоат онгини ички ва ташқи бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш ҳолати; 2) маданият, фан, таълим, дин, ахборот соҳасидаги таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф этишда тегишли чоралар кўриш тизими; 3) жамиятнинг зиёли ва ижодкор инсонлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш кабилар кўрсатилган. Тавсия сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маънавий (ахборот, маданий, конфессия, илмий, маърифий) маконини ҳимоя қилиш бўйича шошилиш чоралар кўриш, кейинги 30 йил ичида сиёсий ҳокимиятга миллий тараққиётни жадаллаштириш фикридан йироқ, космополит дунёқарашга эга кишилар келишининг олдини олиш каби фикрлар илгари сурилган.

Диссертацияни «**Ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-маданий омиллари**» деб номланган иккинчи бобида глобал ижтимоий-маданий жараёнларда ёшлар ўртасида маънавий вандализм шаклланиши, таҳдидлари ва унинг олдини олиш йўллари, виртуал маконда ёшларнинг ижтимоий хавфсизлиги: маънавий-мафкуравий таҳдидлар, хавфсизлик шартлари, ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлиги Янги Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги сифатидаги мавзулар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияда глобаллашув ҳаётимизнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига бевосита таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланади. Айниқса, глобаллашувнинг муҳим ахборот-коммуникацион воситаси ҳисобланган интернет пайдо бўлиши билан ахборот макони сарҳадларидан ўтиб, исталган янгиликни дунёнинг бир чеккасидан бошқасига тўсиқларсиз тарқатмоқда.

Диссертациянинг ушбу бобида глобаллашув даврида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланади: 1) глобаллашувнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимида салбий таъсирининг олдини олишда миллий-маданий мерос ва инсонпарварлик тамойилларидан самарали фойдаланишнинг долзарблигини белгилаш; 2) бозор муносабатлари шароитида моддий неъматларга интилиш, истеъмолчилик кайфияти

кучайишининг олдини олишда инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда миллий-ахлоқий ва диний-эътиқод талаблари асосида ёндашиш; 3) давлатнинг ижтимоий сиёсати ва жамият ҳаёти барқарорлигини таъминлашда патернализм ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш; 4) ёшлар орасида турли даражадаги экстремизм, радикализм ва вандализм таҳдидларининг олдини олишда ғоявий-мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш; 5) ёшлар, айниқса, уюлмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, улар саломатлигини сақлашда мажбурий тиббий суғурта тизимини самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, вандализм тушунчаси ижтимоий онгда маданий асарлар, меъморий обидалар, санъат ёдгорликлари ва бошқаларга зарар етказиш, йўқ қилиш сифатида англашилади. Ҳозирги пайтда ҳар хил тажовузкорлик шакллариининг ўсиши, моддий ва маънавий қадриятларни йўқ қилишга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари сифатида намоён бўлиб, бу ёшлар тарбиясига жиддий таъсир этмоқда. Умуман олганда, «вандализм жамият муҳити ва шахс руҳиятида акс этган бир қатор сабаблар, мурасасизлик, бағритошлик, радикализм билан озиқланган тажовузкор вазиятнинг натижасидир. Замонавий тарихда вандализм, юқорида таъкидланганидек, тажовузнинг ўзига хос шакли, ўзига хос хусусиятидир»¹. Бундан ташқари, вандализм урушлар ва террористик ҳаракатлар, геноцид, депортация, одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи, маданий имтиёзлари, этник келиб чиқиши билан боғлиқ равишда таъқиб қилиш билан боғлиқ турли хил (ҳам давлат, ҳам нодавлат) тузилмалар ҳаракатларининг ажралмас «ҳамроҳи»дир.

Айрим тадқиқотларда тасвирланган хатти-ҳаракатлар вандализмнинг у ёки бу шаклини ифодалайди. Бизнингча, кўплаб эмпирик тадқиқотларда қасддан ва била туриб йўқ қилиш фарқланмайди. Иншоот ёки бинога зарар етказиш фақат ахлоқий ва эстетик жиҳатдан ифодаланади, аммо жамоат жойлари ва транспорт воситаларига етказилган зарар моддий зарар сифатида қопланади. Жамоатчилик фикрида бузғунчиликни англаган, қонунчиликда ҳали ўз аксини тўла топмаган вандализм вайронкорлик ҳаракатларининг кенг доирасини қамраб олади. Вандализмни бир нечта тоифаларга бўлиш мумкин: 1) вандализм – миллат хазинасини сотиб юбориш (ўғирлик турларидан бири); 2) вандализм – бузғунчилик тактикаси (бундай ҳаракатларни амалга ошириш вандализмдан бевосита ажратиб бўлмайдиган бошқа мақсадларга эришишга қаратилган); 3) вандализм – мафкура (вандализмнинг бу тури сиёсий ёки ижтимоий мақсадларни кўзлайди); 4) вандализм – қасос олиш (бузғунчининг ноқонуний ҳаракатлари турли кўринишдаги (диний, маданий) ҳақоратга жавобан содир бўлади); 5) вандализм – бузғунчи ўйин (ўсмир ва болаларнинг кибер ўйинлар туфайли ваҳшийлашиши); 6) вандализм – ғазаб (ҳасад, бошқа одамларга душманлик ёки душманлик туйғуларидан келиб чиқади). Бугунги

¹ Холмуродова М.Ж. Проблемы духовности в современном мире // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2016. №6-2. С.127-129.

кунда вандализм муаммосининг долзарблиги баъзи норасмий гуруҳлар, бирлашмалар томонидан вандализм билан бирга ижтимоий норозиликнинг тажовузкор шакллари тарғиб қилишда яққол намоён бўлмоқда.

Виртуал маконда ахборот (компьютер) хавфсизлигига таҳдидлар - бу ахборот хавфсизлиги ҳолатининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган турли хил ҳаракатлардир. Бошқача қилиб айтганда, виртуал маконда бу мумкин бўлган ҳодисалар, жараёнлар ёки ҳаракатлар бўлиб, улар ахборот ва компьютер тизимларига зарар етказиши мумкин. Виртуал маконда бундай таҳдидларга мисол сифатида ишлаш учун зарур бўлганлар қаторига киритилмаган ва тизимнинг ишлашини янада бузадиган дастурларни ўрнатиши мумкин, бу эса маълумотларнинг йўқолишига олиб келади. Виртуал маконда болалар ва ўсмирлар энг ҳимоясиз бўлиб, катталар дунёсининг таҳдидларига қарши кураш олиб боришига тўғри келади. Тадқиқотларга кўра, 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг 96 фоизи интернетдан фойдаланади, уларнинг 51 фоизи виртуал майдонда юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар тўғрисида етарлича тасаввурга эга эмас.

Ахборотли дунёда маданият ҳам ахборотли бўлади ва турли ижтимоий гуруҳлар, шахслар маънавият, маданиятнинг энг муҳим таркибий қисмига айланади. Бизнинг фикримизча, ахборот маданияти замонавий жамият маданиятини аниқлаш учун характерли хусусиятлардан бири бўлиб хизмат қилади. 2022 йил январь-февраль ойларида онлайн ўтказилган социологик сўровномада (онлайн сўровномага қатнашганлар 706 та) «Ҳурматли респондент, айтинг-чи, Сиз ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини қандай баҳолайсиз?» деган савол билан мурожаат қилинганда 56,6% «ижобий», 2,1% «салбий», 40,7% «замон талаби» деган жавобларни берган. Сўровномада ёшларнинг ахборотга нисбатан маданияти даражасини аниқлаш мақсадида «Интернет тизимидан неча ёшдан бошлаб фойдаланган маъқул?» деган савол билан мурожаат қилинди. Кўпчилик катта ёшдаги респондентлар 18 ёшдан бошлаб 53,5% фойдаланиш керак десалар, қолганлар 14 ёшдан бошлаб 3,6%, 20 ёшдан бошлаб 42,3% фойдаланиш кераклигини таъкидладилар. «Мамлакатимизда ижтимоий тармоқларни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардормисиз?» деган сўровга «ха» 17,7%, «йўқ» 43,2% деб жавоб беришган. Социологик сўровнома натижаларига кўра, ёшларни ахборот олиш маданияти пастлиги аниқланди. «Сиз интернет фирибгарларидан жабр кўрганмисиз?» деган саволга респондентларнинг (14,2%) айримлари турли мобил иловалар орқали тармоқдаги фирибгарлар хатти-ҳаракатлари туфайли ўз пул-маблағларини йўқотганини айтишган. Яна респондентларнинг (7,4%) айримлари бузғунчи гуруҳларга жалб қилинган, шахсий саҳифасига спамлар келган.

Диссертациянинг ушбу бўлимида замонавий жамиятнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигига асосий таҳдидларнинг энг муҳимлари санаб ўтилади: 1) ижтимоий-маданий бўлиниш ва авлодлараро муносабатлар инқирози; 2) коммунистик мафкуранинг қулаши натижасида келиб чиққан ғоявий ноаниқлик (декоприссия); 3) маданиятни оммавийлаштириш ва уни ғарблаштириш; 4) демографик инқироз; 5) ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши

ва Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий қатламларининг кутбланиши; 5) пандемия сабаб аҳолининг интеллектуал, ижтимоий фаровонлигининг пасайиши ва бошқалар. Бундай салбий ҳолатни бартараф этиш учун жамият ва давлат томонидан ҳаракатларни мақсадли равишда амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Ёшларнинг маънавий-мафкуравий жиҳатдан ривожланиши учун, аввало, шахсни яратиш шарт. Ёш авлоддан шахсни шакллантириб олиш, уларга мақсадли таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлини топиш зарур. Натижада, бу шахс манфаатлари жамоатчилик манфаатлари билан уйғунлашадиган ва ички изчиллик ахлоқий меъёрларни ижтимоий фаолият билан бирлаштирадиган хулқ-атвор шаклланади. Буни қуйидагича белгилаш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистонимизда жамиятнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларни амалга ошириш давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг маънавий-мафкуравий тамойиллари, шакллари, йўллари ва тенденцияларини ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади; иккинчидан, Ўзбекистоннинг барқарор прогрессив ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири, бозор иқтисодиёти тизимининг ижобий ривожланиши ва такомиллашуви билан бир қаторда, ички ва ташқи характердаги бузғунчи ижтимоий омилларга қарши етарли чораларни ўз вақтида амалга оширишдир; учинчидан, жамиятнинг маънавий-мафкуравий ривожланиш назарияси доирасида турли ғоявий ва услубий асосларда ишлаб чиқилмоқда. Натижада, уни тавсифлаш ва таҳлил қилишнинг ягона категориал аппарати ҳали шаклланмаган.

